

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 31 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ



Кун нафаси



Мудофаани бошқариш миллий марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуrolли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида ҳам янгича ёндашув ва ўқув услублари жорий этилади.



Президент Шавкат Мирзиёев Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий клиник госпитали ва Қуrolли Кучлар Ҳарбий тиббиёт академиясини бориб кўрди.



Қуrolли Кучлар ташкил этилганининг 31 йиллиги ҳамда Ватан Ҳимоячилари кунини муносабати билан Президент Шавкат Мирзиёев бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга давлат мукофотларини топширди.

Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар!
Қуrolли Кучларимиз хизматчилари ва фахрийлари!

Қадрли юртдошлар!
Сизларни, сизлар орқали кўп миллатли бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги ва Ватан Ҳимоячилари кунини билан самимий муборакбод этаман.

Ушбу қувончли айёмда ўз ҳаётини она юрт Ҳимоясидек улуғ ишга бағишлаган сиз, азизларга ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдираман.

Ҳеч шубҳасиз, мард ва олижаноб халқимиз ўзининг муқаддас қасамидига ҳамisha содиқ бўлиб, хизмат бурчини ерда ҳам, кўкда ҳам шараф билан адо этаётган сизлар каби забардаст фарзандлари – баҳодир ва довиорак ҳарбийларимиз билан ҳақли равишда фахрланади.

Муҳтарам дўстлар!
Сўнги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида миллий армиямизнинг қиёфаси ва салоҳияти тубдан ўзгарди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Қуrolли Кучлари мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга қодир бўлган, ҳаракатчан ва пухта қуrolланган қудратли кучга айланди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Дунёда юзага келган ҳозирги мураккаб вазиятда Ватанамиз мустақиллиги ва суверенитетини, унинг ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, энг қимматли бойлигимиз – жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва тотувликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини барчамиз албатта чуқур англаймиз.

Айнан шунинг учун ҳам биз 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясида юртимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуrolли Кучларимизни ривожлантиришни устувор йўналишлардан бири этиб белгиладик.

Ушбу стратегия асосида Қуrolли Кучларнинг тезкор бошқарувини амалга ошириш, миллий армиямизни замонавий қуrol-яроғ ва ҳарбий техникалар билан таъминлаш ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий тайёргарлиги ва жанговар руҳини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни кўзда тутадиган қарорлар қабул қилдик.

Ўтган йили ҳарбий қисмларда илк бор «Амир Темуr жанговар байроғи учун» мусобақалар бўлиб ўтди. Қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш, ҳарбий анъаналарни янада мустаҳкамлаш, буюк аждодларимизга муносиб мард ва жасур, билимли ва жисмонан бақувват Ватан Ҳимоячиларини тарбиялашда ушбу мусобақалар беқиёс аҳамиятга эга.

Айни вақтда азму шижоатли аскарларимиз халқаро майдонларда ўтказилаётган кўплаб нуфузли ҳарбий мусобақаларда ҳам фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон ҳарбийлари Халқаро армия ўйинлари, «Кембрия патрули» ва бошқа йирик ҳарбий-спорт мусобақаларида бир неча йиллардан буён салмоқли ютуқларни кўлга киритаётгани барчамизни қувонтиради.

Ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича тизимли ишларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Бу борада ўтган йили мамлакатимиз бўйлаб «Ватан таянчи» болалар ва ўсмирлар ҳаракатини ташкил этганимиз ҳамда барча умумтаълим мактабларида мазкур ҳаракатнинг 20 мингдан зиёд ўқувчи ёшларни қамраб олган гуруҳлари тузилгани фарзандларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидлаш лозим.

Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ҳамда соҳа фахрийларини ижтимоий Ҳимоя қилиш масаласига ҳам жиддий аҳамият берилмоқда. Фақат сўнги бир йилнинг ўзиде 3 мингдан ортиқ ҳарбийлар уй-жой билан таъминланди, салкам 2 минг ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун имтиёзли тавсияномалар берилди, 4 мингдан зиёд ҳарбийларнинг турмуш ўртоқлари касбга ўқитилиб, ишга жойлаштирилди, 1250 нафар ҳарбий пенсионернинг бандлиги таъминланди.

Қадрли юртдошлар!
Бугунги кунда бутун жаҳонда, жумладан, бизнинг минтақамизда, бевосита чегараларимиз яқинида турли таҳдид ва хатарлар тобора кучайиб бормоқда.

Дунёда рўй бераётган гибрид характердаги қуrolли тўқнашувлар таҳлили биздан Қуrolли Кучларимизнинг жанговар ҳаракатлар жараёнида илгари амалда қўлланилмаган қуrolлардан фойдаланадиган кучларга қарши кураша олиш

қобилиятини оширишни тақозо этмоқда.
Бундай шароитда, аввало, жанговар ҳаракатларнинг самарали шакл ва усулларини тадқиқ ва татбиқ этиш, Қуrolли Кучларнинг ягона автоматлаштирилган бошқарув тизимини яратиш ва ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги ишларни жадаллаштиришимиз лозим.

Мамлакатимиз ҳудудларининг оператив жиҳозланишини таъминлаш, ҳудудий мудофаа ва фуқаро муҳофазаси тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат органлари барча субъектларнинг фавқуллода вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича тайёргарлик даражасини кучайтириш муҳим вазифадир.

Мудофаа саноатини тизимли ривожлантириш, учувчисиз учиб аппаратлари, зирҳли автомобиллар комплексини такомиллаштириш ишлари ҳам фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бундан ташқари, қуйи поғоналардаги бўлинмаларнинг ахборот-психологик таъсирларга бардош бера олиш қобилиятини оширишга қаратилган тайёргарлик ишларини доимий йўлга қўйиш зарур.

Маълумки, биз 2023 йилни мамлакатимизда «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» деб эълон қилдик.

Шу мақсадда ҳарбий қисмларда шахсий таркибининг жанговар тайёргарлигини, билим ва малакаси, дунёқарашини юксалтириш, уларнинг касбий ва маданий қизиқишларини кўлаб-қувватлаш масалаларига муҳим аҳамият берилди.

Ҳарбий хизматчилар ва соҳа фахрийларини, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий кўлаб-қувватлаш, моддий ва тиббий таъминотини яхшилаш, ҳудудларимизда ҳарбийлар учун узоқ муддатли, имтиёзли кредитлар асосида кўп қаватли уй-жойлар барпо этиш бундан буён ҳам олдимиздаги муҳим ва устувор йўналишлардан бири бўлиб қолади.

Бугунги кутлуғ айёмда бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: **ҳарбий-жанговар салоҳият ва юксак маънавий салоҳият Ўзбекистон Қуrolли Кучларининг икки буюк таянчига айланиши зарур.** Шонли тарихимиз, буюк аждодларимиз, энгилмас саркардаларимиз жасорати, уларнинг «Билаги зўр – бирни енгар, онги ва юраги зўр эса – мингни» деган доно ўғитлари бизга айнан мана шундай ҳаётий ҳақиқатни уқтиради.

Шу маънода, ҳарбий таълим ва ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида, миллий ўзлигимиз, эзгу қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш тизимини янада такомиллаштириш барчамизнинг энг муҳим вазифамиздир.

Ўтган йили узлуксиз ҳарбий таълим тизимини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш борасида жиддий қадамлар ташланди.

Қуrolли Кучлар академияси ислоҳ қилиниб, келгусида унинг ҳарбий илм-фан соҳаси локомотивига айланиши учун мустаҳкам замин яратилди. Эндиликда олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳам янгича ёндашув ва ўқув услублари жорий этилади.

Навқирон авлодимизни бугунги ахборот маконида мавжуд таҳдидлардан Ҳимоя қилиш, уларда ёт ва зарарли ғояларга қарши барқарор иммунитетни шакллантириш мақсадида давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ёшлар, айниқса, уюлмаган ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги амалий ишларимиз самарадорлигини оширишимиз зарур.

Табиийки, ушбу вазифаларни бажаришда «Халқ ва армия – бир тану бир жондир!» деган тамойилдан келиб чиқиб, ҳарбий-маъмурий секторлар ва кенг жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуrolли Кучларимиз хизматчилари ва фахрийлари!
Бугунги шонли айёмда мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлиги йўлидаги фидокорона хизматларингиз учун барчангизга ўз номидан, бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Сиз, азизларни, сизлар орқали оила аъзоларингизни Қуrolли Кучларимиз ташкил этилганининг 31 йиллиги ва Ватан Ҳимоячилари кунини билан яна бир бор чин қалбимдан табриқлайман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, олижаноб ва масъулиятли хизмат вазифангизда улкан зафарлар тилайман.
Куч-ғайратингиз, шаъну шарафингиз янада зиёда бўлсин!
Эл-юртимизнинг юксак меҳри ва ишончи сизларга доимо ёр бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуrolли Кучлар Олий Бош Қўмондони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ФАРМОНИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 31 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, Қуrolли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини юксалтириш, профессионал миллий армияни шакллантириш, давлат хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашдаги катта хизматлари, жамиятда тинчлик ва барқарорликни, халқимиз осойишталигини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини Ҳимоя қилиш борасидаги ибратли фаолияти, шарафли ва муқаддас бурчини бажаришда мардлик ва жасорат кўрсатгани, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қўйган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

2

www.ishonch.uz | ishonch1991@yandex.uz | <https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi> | <https://t.me/ishonchgz>

Yurt taraqqiyoti yo' lida birlashaylik!

Ishonch

2023-yil 14-yanvar shanba № 7 (4759)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqra boshlagan

14 январь

Ватан Ҳимоячилари кунини

Биз ҳар қандай вазиятда ҳам Ўзбекистоннинг давлат суверенитетини, унинг сарҳадлари дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашимиз шарт. Бу – бизнинг тарих ва келажак авлодлар олдидаги муқаддас бурчимиз ва мажбуриятимиздир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



ХАЛҚ ВА АРМИЯ – БИР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 31 ЙИЛЛИГИ ҚАМДА ВАТАН ҚИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ Тўғрисида

◀ 1

II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

Ботиров Иқболжон Қобилжонович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий девони бошқармаси бошлигининг ўринбосари

«МАРДЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Дехқонов Отабек Валиевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Махбубов Рустам Мамарасулович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

Ниезов Нодиржон Абдукаримович – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари катер командири ёрдамчиси

Отошев Муроджон Жумязович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси звено командири

Рузиев Бекзод Шухратович – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари бригада командири

Эшонкулов Шахбоз Бекмаҳаматович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказ бошлиғи

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Гиляждинов Рафаэл Талгатович – Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари Академияси бўлим бошлиғи

Давлатов Иномжон Ғулумжон ўғли – Тошкент шаҳридаги 22-Меҳрибонлик уйи директорининг тарбиявий ишлар бўйича биринчи ўринбосари

Долбилина Наталия Геннадьевна – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти кафедра бошлиғи

Жаксимов Даулетмурат Базарбаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти кафедра бошлиғи

Ортиков Акмалжон Кобулович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи

Паизбеков Тимурлан Курбанбаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

II ДАРАЖАЛИ «САЛОМАТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Аллаёров Дилшод Эгамкулович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бўлим бошлиғи

Мирзакаримов Бахриддин Абдижалилович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ бошқармаси тиббий таъминот хизмати бошлиғи

Петрова Ольга Викторовна – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ ҳарбий госпитали бўлим мудири

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдурахманов Фарҳод Фахритдинович – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари мутахассиси

Абдурахмонов Сарвар Абдунабиевич – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари взвод командири

Ғайбуллаев Олмосбек Абдурахмонович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

Джалилов Анвар Химматиллоевич – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Самарқанд вилояти бўйича махсус отряди гуруҳ командири

Жумамуратов Азим Рахимович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қорақалпоғистон Республикаси Қўриқлаш бошқармаси бўлим сафдор ходими

Махматқулов Шарифбек Умедуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи станция бошлиғи

Тураев Алижон Марадович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм мутахассиси

Улуғбоев Аббос Аҳмадалевич – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳ командири

Хошимов Дониёр Холикович – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари мутахассиси

Шодийеров Голиб Эркинович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрилья катта техниги – йўриқчиси

«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Бекмуратов Учқун Қиличович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм отряд командири

Бердиев Жобир Махаммаджонович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлим катта техниги

Бобоев Комил Жумаевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти Бухоро вилояти кенгаши раисининг ўринбосари

Болтабоев Раҳмат – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси кафедра профессори

Джойилев Акрам Эргашевич – Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати отряд инспектори

Ёдгоров Абдуғани Жалилбой ўғли – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальони гуруҳ командирининг ўринбосари

Жумаев Зоҳиджон Баротович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаси бўлим бошлиғи

Жураев Алижон Абдирақович – Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси кутқарув отряди гуруҳ йўриқчи-қутқарувчиси

Идиев Аскар Абдурашидович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряд командири

Исаков Хаёт Холматович – Жиззах вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ёнғин-қутқарув отряди гуруҳ йўриқчи-қутқарувчиси

Исмаилов Раматжон Нуратдинович – Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ёнғин-қутқарув қисми йўриқчи-қутқарувчиси

Кенжаев Бунёд Эшболтаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

Қорахонов Мансур Исмаилович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрилья командирининг ўринбосари

Қурбонов Элёржон Зокиржонович – Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

Маматов Дониёр Абдурахимович – Наманган вилояти Божхона бошқармаси бўлим бошлиғи

Муратқабиллов Рустам Бахрамович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Самарқанд вилояти Қўриқлаш бошқармаси гуруҳ сафдор ходими

Нурмуродов Асрор Эшдавлатович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

Расулов Иляс Рустамкулович – Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жамоат хавфсизлиги хизмати бошлигининг ўринбосари

Рахимов Мурод Жумабаевич – Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юрти кафедра катта ўқитувчиси

Рўзиев Алишер Махмуд ўғли – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряд командири

Умарова Барно Акбутаевна – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи

Утаев Акрам Жўрақулович – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси

Хайдаров Кахрамон Ўктамович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти бўлим бош мутахассиси

Халиков Убайдулла Хусанович – Андижон вилояти Кўрғонтепа тумани ички ишлар бўлими бўлим бошлиғи

Хасанов Баходир Махсуджонович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Хоразм вилояти Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи

Холматов Ойбек Ҳамидович – Фарғона вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бўлим бошлиғи

Хошимов Мухриддин Ўктамович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командири

Шаропов Кахрамон Ходиевич – Тошкент шаҳар Чилонзор тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси профилактика катта инспектори

Эшқобулов Асилбек Якубович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари

Эшонкулов Содикжон Собирович – Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари Бош штаби бошқарма бошлиғи

Яров Илхомжон Исломович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряд командирининг ёрдамчиси

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуқодиров Акбар Анвар ўғли – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряд командири

Аллаёров Очилди Ибрагимович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги батальон командири

Ахматов Шахбозжон Шухратджонович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармаси бўлим бошлиғи

Балтаев Худайберди Атабаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти кафедра катта ўқитувчиси

Жуманов Элёр Мухаммадович – Жиззах вилояти Дўстлик тумани ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари

Ибрагимов Шухрат Жавлиевич – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Термиз» халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш бўйича батальони назоратчиси

Мадрохимов Давронбек Матякубович – Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони бўлим командири

Олимова Иродахон Валижон қизи – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм телефон станцияси навбатчиси

Садиков Хусан Умаралиевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бош бошқармаси батальон сафдор ходими

Сатторов Мелс Нурали ўғли – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командирининг биринчи ўринбосари

Тилавов Эркин Бурхонович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи секция командири

Тоҳиров Ҳамза Ҳакимович – Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳарбий сафарбарлик бўлими бош инспектори

Тошпўлатов Шерали Жўрабаевич – Наманган вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси гуруҳ йўриқчи-қутқарувчиси

Тураева Лолаҳон Юлдашевна – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи бош ўқитувчиси

Турмушев Дауран Айтжанович – Қорақалпоғистон Республикаси Нукус ҳарбий прокурорининг ўринбосари

Умбетова Айгул Фарҳадовна – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм тиббиёт пункти фельдшер

Хабибуллаев Асадулло Махсуд ўғли – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи радиостанция бошлиғи

Холиков Равшан Номиродович – Сирдарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Сирдарё тумани фавқулодда вазиятлар бўлими ёнғин-қутқарув қисми смена бошлиғи

Ҳамроев Суннатбек Шойимкул ўғли – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Чинов Фазлиддин Хусниддинович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командирининг ёрдамчиси

Эргашев Садриддин Жўрабой ўғли – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Эшонкулов Нуриддин Қулдошев – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальони секция командири

Яхшиев Рўзимурод Ибодуллаевич – Қашқадарё вилояти Божхона бошқармаси бўлим катта тезкор вакили

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 12 январь

Сурхондарё вилояти

Юртимизда ҳарбий хизмат нуфузини ва Қуроли кучларимизнинг жанговар шайлигини янада ошириш, қолаверса, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини

Ҳикмат

Ватанини севиш инсон руҳиятидаги асл табиатдир. Ушбу табиат ватанда яшашда ҳузур-ҳаловат, ундан узоқ бўлинганда соғинч, ҳужум қилинганда мудофаа ва камситилганда қазаб ҳисларини пайдо қилади.

Муҳаммад ҒАЗЗОЛИЙ

Ҳарбийларга янги уй-жойлар

таъминлаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Куни кеча Сурхондарё вилоятининг энг чекка Боботоғ ҳудудида лойиҳа қиймати 20,5 миллиард сўмлик янгидан қурилган учта 5 қаватли ҳамда қайта таъмирланиб, реконструкция қилинган ва барча замонавий шарт-шароитларга эга тўртта 2 қаватли турар-жой биноларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

102 та хонадон ҳамда тикув чеҳи қад ростлаган ҳарбий шахарча кўзни қувонтирадиган даражада барпо этилган.

– Айни дамда Боботоғ ҳудудидаги ҳарбий қисмда хизмат қилмоқдаман, – дейди кичик сержант С.Қиёмов. – Ёш оиламиз. Турмуш ўртоғим ва бир нафар фарзандим би-

лар янги хонадонга кўчиб кирганимиздан жуда хурсандимиз. Бундай бекиёс ғамхўрлик учун ва умуман, мен каби ҳарбий хизматчиларга катта эътибор қаратган Олий Бош Қўмондонимиз, Президентимиздан беҳад миннатдоримиз.

Ана шундай ажойиб тантаналардан яна бири Музробот туманида ҳам бўлиб ўтди. Тумандаги Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмларнинг бирида хизмат қилаётган чегарачиларимизга янгидан қурилган уй-жойлар топширилди.

Умумий қиймати 10 миллиард сўмдан ошадиган ушбу лойиҳа доирасида 27 хонадондан иборат уч қаватли замонавий уй-жой қурилди. 9 та бир қаватли турар-жой бино-

лари қайта реконструкция қилинди. Шунингдек, бу ерда болалар майдончаси, тикувчилик чеҳи ҳам бунёд этилиб, уй-жойлар барча инфратузилма ва зарур жиҳозлар билан таъминланди. Бундан ташқари, ҳар бир оиллага кир ювish машинаси топширилди.

Тантанали тадбирларда вилоят ҳокими, вилоят ва туманлар сектор раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар, нурунийлар, шунингдек, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этди.

Ўктамов УТАГАНОВ,

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилояти кенгаши раиси



Шуқуқ



Хотира

– Ўғлим билан ҳеч қачон сен-менга бормагандик. У доим мени қадрларди, авайларди. Уйга охири бор келганида бир нарсдан қаттиқ тортишиб қолдик. Жаҳлим чиқди, орқасидан бориб елкасига бир урдим. Менга ўгирилиб қаради-да, индамади. Кейин чиқиб кетди. Ушандан кейин уни қайтиб кўрмадим. Ҳалигача ўйламан, менимча, у ўлимини сезган ва кўнглим қолиши учун атайин шундай қилган бўлса керак, – сержант Муҳиддин Эштемировнинг (марҳум) 73 ёшни қаршилаган онаси Манзура Диллаеванинг сўзларини ўтирганлар жим тинглашарди.

Меҳмонлардан бири: «Онажон, бир кунда минглаб чақалоқ дунёга келади, минглаб инсон вафот этади. Лекин

Посбон образига содиқ қахрамон

уларнинг ҳаммасининг ҳам онаси қахрамон эмас», дея сукунатни бузди. Ҳа, Муҳиддин Эштемиров 2000 йили Саросиё воқеаларида душманга қарши жангда Ватан ҳимояси йўлида мардларча ҳалок бўлган.

Меҳмонлар бир пиёла чой устида мард ўғлоннинг суратлари, олган мукофотлари ва ёзган мактубларини кўздан кечиришди. Шундан сўнг, яна тез-тез келиб туриш шарти билан Муҳиддин Эштемиров таҳсил кўрган Термиз туманидаги



Азиз НОРҚУЛОВ,
капитан



Гурур

Ҳар йили юртимизда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбирлар ўтказиб турилади. Улардаги ўзгача руҳ кўпчилик қатори бизнинг оиламиз аъзоларининг ҳам кайфиятини кўтареди.

Оилам билан фахрланаман

Зеро, ватанпарварлик – юртни садоқат ва меҳр ила севиш, эл-улус тинчлиги учун ўз ҳаловатидан воз кечишга тайёр бўлиш демакдир. Бундай матонат ва жасорат фақатгина аскарларимиз ва оилалар устун бўлган эр йигитларга хос фазилатдир! Мен буни чин қалбдан ҳис этаман, чунки ҳарбийлар оиласида туғилиб ўсганман.

Бундан икки ҳафта бурун бизнинг хонадонимизда ҳам Янги йил байрами нишонланди. Унга кун бўйи ҳозирлик кўриб, чиройли дастурхон безадик. Кечки пайт одатдагидек аёллар ва болалар унинг атрофига тўпландик. Бир маҳал мен беихтиёр ҳарбий билим юртида таҳсил олаётган дўстимни эслаб, унга кўнгирақ қилдим. «Гуруҳимиз билан ҳудуднинг марказий ёқилги базасида навбатчиликдамыз», деган жавобни эшитган, кўнглимни алланечук туйғуллар забт этди ва хаёлимдан «Биз кўркем-шинам хонадаги дастурхон атрофидамиз, улар эса хизматда. Ишқилиб, бахтимизга барчаси соғ-омон бўлсин!», деган фикр ўтди.

Онамнинг ака-укалари ва жиянлари

Тақдимот

ҳам ҳарбий соҳада фаолият юритишаётгани боис уларга кўнгирақ қилиб, байрам билан табрикладик. Энг охирида тоғам билан гаплашдик. Бироқ суҳбат якунида онам бироз маънос тортиди, салгина ўтгач, ўзини кўлга олиб, шукрона келтирди.

Дарвоқе, халқимиз тўй ва байрамларни оила давралида жамулжам бўлиб нишонлашга одатланган бўлса-да, ўша дамларда ҳарбийларимизнинг аксарияти хизмат вазифасини ўтаётган бўлишади. Чунки улар ўз ҳаётларини она Ватанимизни кўриқлаш, кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ва ҳимоялаш учун бахшида этишга аҳд қилишган. Қон-қонларига ватанпарварлик ва мардлик туйғулари сингиб кетган.

Ана шунинг учун ҳам мен ватан ҳимоячилари оиласида дунёга келганимдан фахрланаман ва «Ҳарбийлар зурриёдиман!» деган гапни ҳар доим гурур билан айта оламан.

Нозима РАВШАНОВА,
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети талабаси



ФРОНТДАН МАКТУБЛАР ТўПЛАМИ

«Ўзархив» агентлиги архивларда қарийб саксон йил давомида сақланган Иккинчи жаҳон уруши даврида ўзбек жангчиларининг фронтдан юборилган мактубларини китоб ҳолида жамлади.

Мактуб – ҳаётнинг бир парчаси. Қалб сўзларидан тўкилган сатрларни ўқир экансиз, мактуб эгасининг ҳаёти, тасвириётган воқеалар беихтиёр кўз олдинида гавдаланади. Бир муддат сиз ҳам ўша он, ўша лаҳзалар билан яшайсиз.

«Ўзархив» агентлиги томонидан хайрли ташаббусга қўл урилди. Архив тизимида қарийб саксон йил давомида сақланиб келаётган Иккинчи жаҳон уруши даврида ўзбек жангчиларининг фронтдан юборилган мактублари китоб ҳолида жамланди.

Миллий матбуот марказида «Аскар мактублари» китоб-альбомининг тақдироти бўлиб ўтди.

Унда «Аскар мактублари» китобида жангчиларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари ҳамда ёру биродарларга йўллаган самимий дил изҳорлари ва эзгу тилаклари акс эттирилгани, энг муҳими, давлат архивларидаги 5 мингдан зиёд аскар мактубларининг бирортасида ўлимдан кўрқиб, қийинчиликлардан нолиш қайд этилмагани алоҳида таъкидланди. Бу, айниқса, ёшларнинг Иккинчи жаҳон урушидаги ўзбек аскарлари қаҳрамонликлари, уларнинг жасорати, ғалабага бўлган ишонч ҳамда Ватан, оиласига бўлган севгисидан ибрат олиб, ота-боболаримизга хурмат ва эҳтиром туйғусини кучайтиради.

Тақдимотдан сўнг ташкилотчилар журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб беришди.

Гулруҳбегим ОДАШБЕКОВА
«ISHONCH»



Эълон

Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги «International Educational Services Central Asia» МЧЖ томонидан 2022 йилда Камилов Ахмад Асамидинович номига берилган ТМ 1907027 рақамли аттестат йўқолгани сабабли бекор қилинди.

Ватан – онадек азиз! Уни бегоналар ва ёмон мақсадли кўзлардан асраш, унинг ҳимоясида бўлиш барча ўғил-қизларнинг муқаддас бурчидир.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент тумани кенгаши жамоаси

Барча юртдошларимизни

14

ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

билан самимий муборакбод этади!

Талабаликни умрининг гўзал баҳорига қиёслаймиз. Негаки, бу даврда ғаройиб ҳодисалар кўп бўлади. Гоҳида беғубор болалигинг жўшиб ўйнаб қоласан, гоҳида келгуси тақдирингни ўйлаб, хаёлга толасан. Катта ҳаётга бир қадам қолганда ҳам шўх болаликни қўлдан чиқаргинг келмайди.



Эҳтиром

Сабоқлари сеҳрли устоз

...Аудиториянинг пастки қаватидаги ошхонадан талабаларнинг севимли сомсаси ҳиди уфуриб турганда маъруза қулоққа кирди дейсизми? Гўёки соатга тез-тез қарасак, вақт тезроқ ўтадигандек ҳаммининг кўзи телефонда. Вазибаларни чала-чулла ёзиб оламизда, жуда банд инсондек пастга шошиламиз. Тўрт йил давомида шу тарзда ўтган кўп маърузаларда қатнашдик.

Тан олиш керак, бизни ўзига бутунлай ром этган маърузалар ҳам бор эди. Таниқли адиб, публицист ва адабиётшунос Хуршид Дўстмуҳаммаднинг аудиторияни тамоман сеҳрлаб қўядиган дарслари худди саккиз дақиқада тугаб қолгандек туюларди. Биз уларни жон қулогимиз билан тинглардик. Бу пайтда ошхонадан келадиган сомса ҳиди иштаҳамизни қитикламасди.

Мен ҳар гал маъруза тез тугаганидан, вақт жуда тез ўтиб кетганидан афсусландим. Бироқ дарс якунланиши биланоқ қалбимни шунақанги ижодий рух, шунақанги жўшқинлик эгаллаб олардики, уни сўз билан ифодалаб бўлмасди. Устоз эса талабаларни «уйғотиб», қалбига ижод завқини шундай улашардики, маърузадан сўнг кимдир китоб ўқишга, яна кимдир мақола ёзишга киришиб кетганини ўзи ҳам билмай қоларди.

Домланинг нафақат мароқли сўхбатлари ва маърузалари, балки китоблари ҳам кишини ниманидир қоралашга ундайди. Шу боис у кишининг маърузаларини соғинсам ёки ёзишга мавзу қидирсам, «Ижод – кўнгил мунавварлиги» асарини қайта варақлайман. Чунки бу асарни ўқисангиз, кўп инсонлар тақдири билан танишасиз, талай янги маълумотларга эга бўласиз, устоз-

нинг ўқиган китобларига, таниган инсонларига, шахсий кутубхонасига нисбатан ҳавасингиз ортади. Ижод эса қалбингиздаги бор губорни тарқатиб юборади. Осмонга парвоз қилаётган куш завқини ҳис қиласиз. Рисоладаги «Ижод завқи чоғларида кўнгил шу қадр чароғон нурга тўладики, бу нур ижод аҳлининг, ундан ўтиб ижод мухлисларининг қалбини, ундан-да ошиб дунёни мунаввар қилади», деган фикрлар баайин бўласиз.

Хуршид Дўстмуҳаммад талабаларни ўз фарзандларидек яхши кўради, улар билан устоз-шогирд эмас, яқин дўст ёки педагог фаолиятимда устоз фойдаланган методлардан фойдаланиб келяман.

Эсимда, саккизинчи синфда ўқиётганимда қораламаларимни кўрсатгани «Жануб вақти» газетасига олиб борганман. Шунда устоз Абдурашул Жумақулов (ҳозир «Хуррият» газетаси Бош муҳаррири) «Агар яхши ёзишни истасанг, ишни кундалик дафтар тутишдан бошла ва унга ҳар кунинг мухрлаб қўй», деганди. Университетга ўқишга кириб, Хуршид Дўстмуҳаммаддан эшитган биринчи гапим ҳам шу бўлди. Менга у кишининг 2001 йили «Жаҳон адабиёти» журналида чоп этилган интервьюсидаги «Ёшларга ҳаёт ҳақида қатъий маслаҳат бериш фойдадан кўра зиён келтириши тайинроқ», деган гапи жуда ёққан эди.

Дарвоқе, домла билан сўхбатлашсангиз, ундан «у оқ, бу қора» деган насихатомуз сўзларни эшитмайсиз. Қалбингиз туб-тубидаги ҳисларни ўйғотиб, дилингиздаги ўй-хаёлларингизга, ечилмаган тугунларга малҳам топгандек бўласиз. Бу ўринда устозни кучли психолог десам, хато бўлмайди.

Бакалавр битирув малакавий ишимни «Замонавий матбуотда болалар нашрлари» мавзусида ёқладим. Шу жараёнда Миср Араб Республикасида нашр этилаётган гараги бўларди. Унда магистрлар, илмий иш билан шугулланаётган изланувчилар қатнашарди. Тўғарак баҳонасида ҳам Хуршид Дўстмуҳаммаднинг кўп маърузаларини тинглашга муюссар бўлганман.

Бундан икки-уч йил олдин «Ёшлар» телеканалининг «Икки эшик орасида» номли кўрсатувида устоз билан сўхбат олиб борилди. Уни кўриб хаёлимда гўёки ҳаёт ҳамда инсонлар ўртасидаги яхши ва ёмон муносабатлар, инсоний фазилатлар ҳақида ажойиб бир асар ўқигандек бўлдим. Домланинг ҳаёт ҳақидаги қарашларини, аёлга ҳурмат, инсон қадри, мулоқот маданияти, олий мақсадга доир ҳаётнинг ҳақиқатларини англагандекман, назаримда.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг таниганлар яхши билишадди, у киши билан шунчаки мулоқот қилишнинг иложи йўқ. Қайси касб эгаси эканингиздан қатъий назар, домланинг сўхбатидан ўзингиз учун кўп нарсаларни оласиз. Балки бу ҳам профессионал журналистнинг маҳоратидир. Устознинг ҳар бир сўзи ёндафтарингизга ёзиб қўйилмайдиган шиор кабилар.

Эътиқодхон ОТАҚУЛОВА, ЎзЖОКУ ўқитувчиси

Ёндафтаримдаги қайдлардан

- Кўйида устоз билан бўлган мулоқотлар асоси ёндафтаримга ёзиб олинган жумлаларни келтиришни жон деб топдим. Улар устознинг бирин-бир мақоласида, сўхбатида ёки китобидан чоп этилмаган, балки бир талаба қизнинг шахсий кундалигидан ўрин олган. Шунга қарамай, ишончим комилки, ижодкорлар учун ақсатишни аниқ.
- Хар бир соҳага, ишга кириб келишнинг мақсадни аниқлаб ол!
- Танлаган мавзунинг «ўйнатиб» ташлайдиган даражада ўрган!
- Танлаган мавзунинг хўжайинига айлан. Эгаси бўл.
- Унинг майдонига бошқалар киришига йўл қўйма!
- Унинг илмий мақолада битта муаммони очиб бер.
- Икки натижа орттиқча.
- Хурматни сақла, лекин мавзуга келганда, ҳеч кимни хурмат қилма!
- Баъзи мустақкам қилсанг, дадил юрасан!
- Танлаган мавзунинг кўнрагини ҳам ўрганиб қўй!
- Хар бир ёганида одамларни фикрлашга ундагин.
- Аниқликка интил!
- Лозим, керак, зарур бўларидан йироқ юр!
- Асарни ҳеч қачон боғалома, таҳлилининг ўзидан баҳоси кўринадди.
- Хар қандай даврда ўз «мен»ингни поймол қилма!
- Хар қандай ишнинг бошла бошла ва бошла якунла!
- Бошлаган ишини бошла бошла ва бошла якунла!
- Ўз ишнинг ярат ва шундай ушлай бил. Муомалани бўл!
- Аҳмоқ билан аҳмоқларча, тентак билан тентакларча, ақлли билан ақллиларча гўллаш!
- Хар бир қилсан ишини ақс-сада берсин!
- Хулоса чиқаришга шошилма. Ўрган!

«Самир» болалар журналининг ўзини ўзимизда мавжуд болалар нашрлари билан таққослаб ўргандим. Бу кўпчиликка, жумладан, Хуршид Дўстмуҳаммадга ҳам маъқул келди. Шундан сўнг устоз «Энди Сизни «Самира» деб қақираман», деб қолди. Ҳозир орадан ўн йил ўтган бўлса-да, ҳали ҳам ҳар учрашганимизда мени Самира деб атайдим.

Биз ўқиган даврда ЎзДЖТунинг халқаро журналистика факультетида устознинг «Ёш олимлар» тў-

Мутолаа ҲАЁТ ҲАҚИДА ХАЛҚОНА ОҲАНГЛАР

Асар қачон кўнгилга кириб боради? Қачонки у ҳаётнинг бўлса, қачонки у оддий инсонларнинг юраги, қалбига яқин тилда ёзилган бўлса... Бундай асар ўқувчининг меҳрини қозонади, китобхонни ўз дунёсига олиб киради.

Маъмура Зоҳидованинг «Манглайдаги ёзиқ» китобини ўқий бошлашимиз билан халқона услуб, ўзбек момоларининг бор меҳрига йўғрилган қадим сўзлашув оҳанги қалбингизга илиқ нур каби кириб боради.



Ушбу китобдан ўрин олган муаллифининг «Бойчечак», «Садоқат», «Манглайдаги ёзиқ» номли қиссалари инсон қалби фожиалари, унинг қисмати, миллат дардлари, тилимиз оғриқларини ақс эттиради. Уларни мутолаа қилар экансиз, Тоғай Мурод, Шукр Холмирозев ва Шодмонкул Саломнинг содда, ёқимли, ўткир услубини, ҳаётнинг ҳаққоний кўринишини ақс эттирадиган хотиржам насрий баённи ҳис қиласиз.

Муаллиф асарларида мактаб, таълим тизимидаги муаммолар, она тилимизнинг қадрсизланаётгани, одамлар меҳр-оқибат, садоқат туйғулари билан олислаб бораётгани, биргина ўйланмай босилган қадам туйғули инсон келажаги ўзгариб кетиши мумкинлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Ўйлаймики, бу китоб орқали ўқувчи яна бир халқ куйчиси, ўзига хос ёзувчини кашф этади.

ТАРИХ АҚС ЭТГАН ЗАРВАРАҚЛАР

Миллий матбуот марказида «Ўзархив» агентлиги ташаббуси билан нашр этилган «Ўзбекистон – Туркия алоқалари ҳужжатларда» номли китоб-альбомининг тақдимоти бўлиб ўтди.



Тарихдан маълумки, ўзбек ва турк халқларини азалий дўстлик, биродарлик ва қардошлик ришталари боғлаб туради. Ҳар икки халқнинг урф-одатлари, маданияти, бир-бирига жуда яқин. Бу эса Ўзбекистон ва Туркия давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг чуқур тарихий ва маданий илдизларга эга эканидан далолат беради.

Ана шу ҳамкорлик ҳужжатлар асосида баён этилган мазкур асар, ўз навбатида, кўп йиллик тараққиёт йўлини босиб ўтган икки давлат тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади, дейилди тақдимот давомида.

Гүлюз ФАХРИДДИНОВА

Ҳикмат

Ҳақ йўлида ким санга бир харф ўқутмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Алишер НАВОЙЙ

ҚИШНИНГ ҲАР КУНИ ҚИЛИҚЛИ

25 декабрдан 5 февралгача бўлган мўддат қиш чилласи саналади. Кўпни кўрган кексаларимиз «Чилла чиллагини қилиши керак», деган гапни бежиз айтишмайди. Чилла чиллагини қилса, навбатдаги ёз ҳавоси соз бўлади.

Шу кунларда об-ҳаво совиб кетди. Аслида совуқнинг ҳам ўзига хос хусусияти бор. У вируслар, микроблар ва аллергияларни йўқотади, зараркунанда ҳашаротларга қирон келтиради, ҳавони зарарсизлантириб, тозалайди. Бундан ташқари, инсон танаси иммунитетини фаоллаштиради. Аёзга кўчада юриш асабини тинчлантириб, фикрлашни тартибга солади, ақлий фаолиятни рағбатлантиради.

Қишнинг кунни қирқ турли. Тунда осмонда юлдузлар порлаб, совуқ авжга олади. Бундай дамларда ёққан қор остида қолган бўғдой баҳорга чиқиб, баравж ривожланади. Ниҳолчалари совуқ уришидан сақланиб, қор эришидан озикланади.

Халқимизда «Чилла суви – тилла суви», «Чилла қори – ернинг қони», «Чиллада суғорилган боғ, чил ботмон узум берад», деган ҳикматли сўзлар ҳам бор. Уларга амал қилган деҳқонлар ерга «чилла суви» бериб, шўр ювиш ишларини бажаришади. Қиш иссиқ келганда, боғбонлар ҳам жим туришмайди – мевали даратларга шакл беришади.

Қор ва ёғмир эса Яратганининг раҳмати. Зумрад фаслда ёғингарчилик тез-тез такрорланиши элнинг ризқ-рўзи мўл бўлишидан далолатдир.

Анваржон ҲАЛИМОВ «ISHONCH»

Биласизми?

Газета «Ишонч»нинг компьютер марказида терилди ва sahifalandi.

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табақ. Buyurtma G-113 Nashr ko'rsatkichi: 133

1 2 3 4 5 6

Umumiy adadi 31352

14543 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati rasi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-82-79 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43 Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlari: Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-97) 506-86-98 Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23 Buxoro viloyati – (+998-91) 406-43-24 Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34 Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02 Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28 Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati – (+998-99) 889-90-32 Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: S. Abdurahmonov

Musahhihlar: D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi: H. Abdullalilov

Bosishga topshirish vaqti – 23:00 Topshirildi – 23:20

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATIB «ipoteka bank» Yashnobod filiali, bank kodi: 00959, STIR: 201133889, OKED: 58130